

ЗАМОНАВИЙ ТЕЛЕЖУРНАЛИСТИКАДА РЕКРЕАТИВЛИКНИНГ ТУТГАН ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

*Амрулло КАРИМОВ,
ЎзДЖТУ катта илмий ходим-изланувчиси,
филология фанлари номзоди*

Мақолада рекреация ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларида, маданий-маърифий фаолиятда, таълим-тарбия жараёнларида қўлланилиши ва жаҳон ОАВда рекреативликнинг кенг ёйилиши, рекреатив журналистика – релаксация, гедонизм, инфотейнмент қайси ном билан аталмасин, янги асрда унинг мавқеи янгича кўринишда алоҳида аҳамият касб этаётгани хусусида сўз боради.

Таянч сўзлар: рекреация, рекреатив журналистика, рекреология, гедонизм, релаксация, инфотейнмент, трэвел-журналистика

Жаҳон ОАВни рекреатив журналистика томон ўзгариши, жумладан интерактив кўрсатувларнинг ривожланиши, жонли эфирнинг юзага келиши миллий журналистикада ҳам кузатила бошлади. Телеканаллар аудитория талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда дастурлар тайёрлашга киришди. Ахборот оқими кўпайди, тезкор суръат инсон ҳаётининг кўп соҳаларига кириб келди, одамларда стресс ҳолатлардан тезроқ чиқишга бўлган хоҳиш-истак кучайди, ташқи ахборот оқимининг кишилар онига таъсири кенгайди, аҳолига ахборотнинг шиддатли босими остида яшаш муайян қийинчилик туғдира бошлади. Натижада барча жамиятларда асабийлик, ёлғизликка мойиллик кучайиб, муаммолар гирдобидан беталофат чиқиш ҳаётининг эҳтиёжга айланди.

Табиийки, тараққиётнинг бундай шиддати ОАВ, хусусан, кучли таъсир ва кенг аудиторияга эга бўлган ТВ зиммасига масъулиятли вазифаларни қўймоқда. Замонавий ҳаётнинг ўзи телевидениедан, тележурналистикадан, журналистлардан мутлақо янгича ишлашни тақозо этмоқда. Айниқса, рекреатив журналистика тобора ривожланиб бораётган бугунги кунда журналист олдида қўйиладиган талаблар ҳам ортиб бормоқда.

Хўш, рекреатив журналистиканинг тез томир ёйиб, ОАВ каналларини шиддат билан эгаллашига сабаб нимада? Энг аввало, терминнинг луғавий маъносига эътибор қаратсак. “Рекреация” латин тилидан олинган бўлиб, *recreatio* — қайта тиклаш деган маънони англатади. Рекреация дам олиш орқали инсоннинг маънавий ва жисмоний

қувватини тиклаш ва ривожлантиришдир¹. Рекреация нафақат журналистика соҳасида, шу билан бирга ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларида, маданий-маърифий фаолиятда, таълим-тарбия жараёнларида кенг қўлланила бошланди. Рекреация ҳаёт ташвишларидан хориған одамнинг нормал иш ҳолатини тиклаш ва соғлом тарзда ишга меҳрини қайта жалб этишга қаратилган соғломлаштириш тадбирлари мажмуидир².

Рекреацияга таъриф берилар экан, тушунча дам олишнинг барча турлари (профилакторийда соғломлаштириш, санаторияда ҳордиқ чиқариш, табиат қўйнига сайр, хорижга туристик саёҳатлар каби)ни қамраб олади. Бир сўз билан айтганда уйдан ташқарида меҳнат лаёқатини тиклаш, ҳиссий ва психологик куч-қувватни мўътадиллаштириш рекреациянинг асосий мақсади ҳисобланади. Мазкур сўз 1960-йиллардан бошлаб аҳолининг куч-қувват ва саломатлигини тиклаш муаммоларига қаратилган физиологик, тиббий ва ижтимоий-иқтисодий адабиётларда қўлланилган³.

Рекреацияга турли аспектлардан ёндашиш мумкин. Мисол учун, географик аспектда “рекреалогия” – меҳнат жараёнида сарфланган инсон куч-қувватини қайта тиклашга қаратилган фан ҳисобланади. Рекреацион йўналиш 60-йилларнинг охири – 70-йилларнинг бошида география фанларининг сайёҳлик ва дам олишни ўз ичига олган тармоғи сифатида пайдо бўлди. Рекреация кўп маънони англатувчи сўз бўлиб, ўрганилаётган соҳа, контекстга боғлиқ. Биринчидан, инсон кучларини кенг маънода ишлаб чиқариш (жисмоний, ақлий ва эмоционал), иккинчидан ақлий ва жисмоний қувватни қайта тиклайдиган турли ўйинлар, дам олиш тадбирлари орқали рекреацион фаолият намоён бўлади⁴.

Географик (туризм) аспектда рекреация бир нечта шаклларда намоён бўлади: даволаниш, соғломлаштириш, спорт билан шуғулланиш (спортивная рекреалогия), билим олиш⁵. Масалага психологик нуқтаи назардан ёндашилса, даволаниш рекреациянинг бош омили бўлиб, индивид шифо масканларида ўз саломатлигини тиклаш орқали руҳий далда олади, соғлом ҳаётга қайтади ва бу билан чексиз бахтиёрликни ҳис этади. Шахснинг ўз саломатлигини мўътадил ушлаб туришга ҳисса қўшувчи кейинги омил соғломлаштириш ҳисобланади. 70-80 фоиз сайёҳлар дам олишнинг энг оммабоп тури сифатида денгиз бўйларида дам олиш, чўмилиш, қуёшда ванна қабул қилиш, денгиз бўйида сайр ва бошқаларни танлашади. Бу бизда соғлом турмуш тарзи кўринишида намоён бўлади.

¹ Елисеева А.А. Основы рекреалогии (географический аспект): учебное пособие / А.А. Елисеева. - Смоленск: Принт-Экспресс, 2011. - 152 с.

² <https://ru.wikipedia.org/wiki/Рекреация>, 25.04.2016.

³ Ўша манба, 25.04.2016.

⁴ Елисеева А.А. История развития рекреации как составляющей социального туризма и ее влияние на физическое воспитание человека, <http://studopedia.org/7-4529.html>, 25.04.2016.

⁵ Виды рекреации, http://studopedia.ru/3_22999_vidi-rekreatsii.html, 25.04.2016.

Рекреациянинг кейинги кўриниши спорт билан шўғулланиш. Бу ўз ичига узоқ сафарга чиқиш, балиқ ови, овчиликнинг бошқа турлари, археологик туризм, чўққиларни забт этиш, сув остига саёҳат кабиларни олади. Ва ниҳоят, рекреациянинг сўнгги кўриниши ривожланиш прогнозлари ҳамда дунёқарашни кенгайтириш билан боғлиқ бўлган янги ахборотларни олиш, саёҳат объектлари ҳақидаги маълумотлардан хабардор бўлиш – билим олишни камраб олади. (Хордиқ чиқариш нега алоҳида кўрсатилмаган? Менимча, кўрсатиш керак – Ф.М.) Рекреацияни амалда татбиқ этиш шакллари шахс ва жамият, вақт, маданият тури каби бошқа омиллар ва шароитлар даражасига қараб жуда ўзгарувчан бўлади. Мисол учун, дарё бўйида балиқ овлаш шаҳарликлар учун рекреациянинг энг мақбул усули бўлса, вилоятликлар учун пойтахтга сайр катта таассурот уйғотади.

Рекреациянинг журналистикага кириб келиши айнан тўртинчи омил, яъни шахснинг янги ахборотга бўлган эҳтиёжи туфайли пайдо бўлди. Маълумки, кейинги пайтларда жаҳон журналистикасида трэвел-журналистика термини қўлланиляпти. Трэвел-журналистика (инглиз тилида *travel journalism*) — масс медианинг алоҳида йўналиши бўлиб⁶, саёҳатга оид ахборотларни кенг аудиторияга тақдим этади. География, тарих, маданият, туризм каби фан соҳалари билан боғланган саёҳат журналистикаси географик аспектдаги “рекреалогия” ва “журналистика” фанларининг кесишмасида юзага келди.

Рекреация жамиятда том маънода бугун пайдо бўлган ҳолат эмас. Кеча ёки 100 йил аввал, балки минг йиллар илгари ҳам рекреативликка халқнинг қизиқиши жуда юқори бўлган. Рекреация халқларнинг йиллар давомида шаклланиб келган эҳтиёжи ҳосиласи. Илк театрларнинг юзага келиши, дастлабки спорт олимпиадаларининг пайдо бўлиши, санъат турларининг оммалашиши, жаҳон халқлари фольклорининг ривожланиши бежиз эмас. Буларнинг замирида дам олишга бўлган кучли истак ва хоҳиш, рекреацион эҳтиёж ётибди.

Ўзбек халқи турмуш тарзида ҳам қадимдан қўғирчоқбоз, дорбоз, масхарабозлар муҳим ўрин эгаллаган. Бирор-бир тўй-томоша ёки байрам уларнинг иштирокисиз ўтмаган. Ҳаётдаги муаммолар улар тили орқали берилган. Кейинчалик, матбуот журналистикасининг юзага келиши, радио ва телевидениенинг пайдо бўлиши, интернет журналистиканинг ихтиро этилиши аҳолининг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондиришга хизмат қилди. Ривожланиш шу даражага бориб етдики, жонли театрларни дастлаб телевизор экранида, сўнгра “ўргимчак тўри” қаршисида ўтириб кузатадиган бўлдик. Жонли театрни “видеоёзув”га алмаштирдик. Мобил алоқа воситалари ахборот олиш, рухий хордиқ чиқариш, дунёқарашни кенгайтириш мақсади билан рекреацион эҳтиёжни

⁶Трэвел-журналистика, https://ru.wikipedia.org/wiki/Трэвел-журналистика#cite_note-9, 25.04.2016.

қондиришга киришдик. Қўғирчоқбоз, дорбоз, масхарабозларнинг кўчалардаги томошаси реалити шоуларга айланди.

Ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, тарбиявий мавзудаги ахборотлар рекреатив усул ва технологиялар орқали кенг оммага тақдим қилина бошлади. Немис олими Петер Винтерхофф-Шпурк: “Хаттоки, дам олишга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган бошқа йўналишдаги дастурлар (мисол учун, янгиликлар, ахборот дастурлари, сиёсий баҳслар, таълимга оид кўрсатувлар) ўз жанр хусусиятини бирмунча ўзгартирди. Улар ахборот-дам олиш, ҳужжатли-дам олиш, таълимий-дам олиш дастурлари сифатида намоён бўлиб борапти” – деб ёзади.⁷ Кўринадики, экран қаршисидаги томошабин тафаккурида ҳам фавқулодда, кутилмаган ўзгаришлар содир бўлди. Унинг ахборот олиш истаги билан бирга, дам олишга бўлган эҳтиёжи ҳам ошди. Телевизион журналистика назариясида, телевидениенинг ахборот тарқатиш, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, маданий, таълимий, мафкуравий каби вазифалари қайд этилгани маълум. Шу даврга қадар унинг ахборот тарқатиш вазифаси етакчилик қилаётган бўлса, эндиликда ТВнинг рекреатив вазифаси аста-секин кучайиб бормоқда.

Рекреация (лотин тилидан олинган бўлиб “recreatio” - тиклаш) – дам олиш, кўнгила очиш, инсон ички кучларини тиклаш каби маъноларни билдиради.⁸ Соҳага оид илмий адабиётларда телевизион журналистиканинг рекреатив вазифаси алоҳида саналади, аҳолининг дам олишга, ижтимоий ҳаётга ижобий таъсир этиши одамлардаги ҳар хил стресс ҳолатларни пасайтиришга хизмат қилиши ҳақида сўз боради.⁹

Жаҳон журналистикаси назарияси ва амалиётида рекреациядан ташқари, релаксация, гедонизм каби атамалар ҳам учрайдики, улар кўнгилочар чиқишларнинг замонавий ҳолатига баҳо беришга қаратилган. Назарияда қўлланиладиган яна бир атама “инфотейнмент (infotainment)”дир. Мазкур атама икки сўзнинг қўшилишидан ҳосил бўлган, яъни “информация” (information) ва кўнгилочар (entertainment) деган маъноларни англатади. Мутахассислар “инфотейнмент” деганда, янгиликни кўнгилочар кўрсатувлар шаклида ёки дилёзар элементларни аралаштирган ҳолда аудиторияга тақдим этилишини назарда тутишади¹⁰.

Инфотейнмент XX-асрнинг 80-йилларида АҚШда туғилди. Бу жараён информацион дастурлар рейтинги тушишидан бошланди. Журналистлар телевизион янгилик

⁷ Винтерхофф-Шпурк П. Медиапсихология. Основные принципы. Пер.с нем. Харьков: Изд-во Гуманитарный центр, 2007. – С.288.

⁸ Новейший социологический словарь. Минск. Книжный дом, 2010. – С.849.

⁹ Кузнецов Г.В., Цвик В.Л., Юровский А.Я. Телевизионная журналистика. Изд-во МГУ, 4-е изд. – М.: 2002. – С.52.

¹⁰ PR-гlossарий // PR-клуб Московской Международной Бизнес Ассоциации. – <http://www.mibas.ru/Mibas/idp/clubs/pr/spellshock/ar...>

етказишнинг янги форматларини амалиётга олиб киришди. Биринчидан, ахборотни саралашда ижтимоий ва маданий мавзудаги хабарларга кенг эътибор қаратилди. Иккинчидан, ахборот етказиш жараёни ўзгарди. Репортажларда томошабинларни қизиқтирадиган деталлар олд планга олиб чиқилди. Шу тариқа информаион-дам олиш дастурлар тармоғи юзага келди. CBSнинг “60 минут” ҳафталик кўрсатуви тезда машҳур бўлди. Бошловчилар ўз чиқишларида воқеаларга ўз муносабатларини фаоллик билан билдириб, кадрда қаҳрамонлар билан тенгма-тенг намоён бўла бошладилар. Бунгача Америка телевидениесида бундай ҳолат кузатилмаган эди¹¹.

Мутахассис Н.Зорков ўз мақоласида Россиянинг бозор иқтисодиётига ўтиши, тижорийлашув жараёнининг бошланишини газета ва журналлар саҳифаларидан, телерадиоэфирлардан дам олиш характеридаги ахборотларнинг кўпайиши билан боғлиқ дейди. Бу ягона сабаб булмаса керак деб уйлаймиз. Шу билан бирга рекреатив журналистика ривожланиши негизида биз юқорида кўрсатган ахборот оқими кўплиги ва ундан чарчаш тенденцияси ҳам бор.

Ўзбекистонда рекреатив журналистиканинг ривожланиши ўз хусусиятларига эга. Ҳозирда телевидение дастурларидан фақат дам олишга мўлжалланган кўрсатувлар билан бир қаторда, баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қилувчи интеллектуал телеўйин шаклидаги кўрсатувлар, эстетик дид ва савияни оширувчи санъат ва адабиёт йўналишидаги мусикий ва адабий-драматик телевизион лойиҳалар, ахборот-дам олиш дастурлари ҳам ўрин олмоқда. Бу телекўрсатувларнинг муҳим ютуғи шундаки, улар аудиторияни ахборот билан таъминлаш, дунёқарашини кенгайтириш, билимини ошириш асносида дам олишга бўлган эҳтиёжини ҳам қондиришда намоён бўлмоқда. Рекреатив вазифанинг такомиллашуви бошқа вазифалар реализациясига ўз таъсирини кўрсатди. “Инфотейнмент” атамасининг юзага келиши айнан ана шу жараёнлар билан боғлиқ.

Демак, жаҳон журналистикасида кузатилаётган дам олиш дастурлари тараққиёти Ўзбекистонда ҳам ўзига хос шаклларда намоён бўлмоқда. Миллий телевидение тарихида ахборот-мусикий дам олиш кўрсатувларининг жорийланиши 80-йилларнинг охирларига тўғри келади. 1988-1989 йилларга келиб якшанба куни эрталаб “Субҳидам” деб номланган тонгги кўрсатув пайдо бўлди. Кўрсатув бир йил давомида фақат якшанба кунлари эфирга узатила бошлади. Бир йил ўтгач эса, “Субҳидам”нинг номи ўзгариб, “Ассалому алайкум” деб юритила бошланди. Миллий каналларда тонгги дастурлар ташкил топган дастлабки йилларда энг кўп хатлар шу кўрсатувга келган. Дунё мамлакатларининг 92 фоизида тонгги дастурлар мавжуд бўлиб, улар 45 дақиқадан 160 дақиқача давом этади. Жаҳон

¹¹ Зорков Н.Инфотейнмент на российском телевидении,<http://www.relga.ru/Environ/WebObjects/tgu-www.woa/wa/Main?textid=735&level1=main&level2=articles>, 17.04.2016.

телевидениелари силсиласидаги ўзгаришлар миллий каналларга кириб келишини ана шу кўрсатув мисолида кўриш мумкин. Чунки, мазкур чиқиш пайдо бўлгунига қадар ахборот-дам олиш хусусиятига эга бўлган бошқа кўрсатув йўқ эди. Юқорида келтирилган далилларга эътибор қаратилса, рекреатив журналистиканинг юзага келиши Америкада ҳам, Ўзбекистонда ҳам айнан бир даврга, 80-йилларга тўғри келади. Аммо, соҳа тараққиёти икки хил йўсинда кечди. Ғарб давлатларида кўнгилочар, дилёзар, дам олишга йўналтирилган чиқишлар бизнинг аудиторияни ҳам маҳв этишга киришди.

Бир қарашда беозор кўринадиган “мафтункор, жозибали” воситаларнинг, аудиовизуал журналистика – интернет, радио ва телевидениенинг, чиройли кўриниш ва манзараларга буркалган кўп серияли кино маҳсулотларининг, телевизион сериалларнинг, бир сўз билан айтганда, оммавий ахборот воситаларининг аудиторияга таъсири юқори. Бунда айрим хориж телеканаллари асосий эътиборни ёш авлод онги ва қалбига таъсир ўтказишга қаратади. Инсон ақлий тараққиётга қанчалик мойил бўлса, биологик нуқтаи назардан у дам олишга ҳам шунчалик эҳтиёж сезади. Ахборот хавфсизлиги асосларини ўрганган одамга маълумки, томошабинга ҳузур бағишловчи кўрсатув замирида ахборот хуружи, маънавий тазйиқ ётиши мумкин. Жаҳон телеканалларида рекреатив чиқишларнинг ўрни ва салмоғи тобора кўтарилиб бораётган бугунги даврда тор соҳаларга ихтисослашган кўрсатувлар, телеканаллар сони ҳам ошиб бормоқда. Аҳолининг қизиқишларидан келиб чиқиб, кино, мусиқа, спорт, мода ва бошқа йўналишларни қамраб олган каналлар вужудга келди. Давр талабларидан келиб чиқиб, миллий телерадиокомпания тизимида “Наво”, “Кинотеатр”, “Дунё бўйлаб”, “Маданият ва маърифат”, “Оилавий”, “Диёр” сингари каналлар юзага келди. Телевизион дастурлар мундарижасидан рекреатив характердаги чиқишлар томошабинлар орасида тезда машҳурлик пиллапоясига кўтарилмоқда.

Ахборот бериш билан бирга, янгича ёндашув ва ракурсларга бой бўлган хориж телеканаллари кўрсатувлари томошасига шошаётган аҳолини ушлаб туриш учун миллий телеканаллар ижодкорлари олдига қатор вазифалар қўйилган. Яъни, телевизион журналист воқеани нафақат эҳтиросли сўз, чиройли рамзлар, телетомошабин ақли ва қалбига етиб борадиган тасвирлар, ёқимли овоз, характерли шовқин, кўрсатув моҳиятини очиб беришга хизмат қиладиган мусиқа ва бошқа новербал воситалар ёрдамида яратади. Шу сабабли, тележурналист тасвирий санъатдан, кино сиру-синоатларидан, ёзувчилик маҳоратидан, мулоқот қилиш, муносабатга киришиш, дипломатия санъатидан, электрон техниканинг иши асосларидан яхши хабардор бўлиши керак. Кўриниб турибдики, рекреатив журналистика – релаксация, гедонизм, инфотейнмент қайси ном билан аталмасин, янги асрда унинг мавқеи янгича кўринишда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

